



Мўйноқ мўъжизаси:



ҲАҚИҚАТГА АЙЛАНГАН АФСОНАЛАР

Бир вақтлар донги дунёга таралган Мўйноқ денгиз сувлари тортилгандан кейин қарийб ярим аср мобайнида умуман эътибордан четда қолиб кетган ўлкага айланиб қолган эди.

«Мўйноқ» деса одамлар тасавурида гўё дунёнинг нариги чеккаси тушунилар эди. Тан олиш керак, ҳаттоки кўп раҳбарлар Мўйноққа 2017 йилдан эътибор қаратилган бошлагандан кейин илк қадамларини ташлади.

Шахсан ўзим Қорақалпоғистонда 20 йилдан ортиқ вақтдан буён яшаб келсам ҳам ушбу туманга илк бор 2015 йилда боришга муваффақ бўлган эдим. Шахсий ҳиссиётларим билан ўртоқлашадиган бўлсам, бундан 5 йил аввалги Мўйноқ билан ҳозиргиси ўртасида осмон билан ердек фарқ бор.

Ҳамон ёдимда. 2015 йил журналистлар билан туман марказидан репортаж тайёрлаш учун борганимизда, Қўнғиротдан Мўйноққача йўлда биронта автомашина учратмадик. Боргандан кейин қўшимча транспорт керак бўлиб қолди. Шунда ҳатто ҳокимликдан ҳам автомашина топа олмаганимиз. Туманда метан у ёқда турсин, ҳаттоки пропан ёқилги кўйиш шохобчаси ҳам йўқ экан. Тушлик пайтида овқатланадиган жой қидирдик, шаҳар марказида фақат битта кафе бўлиб, у ерда ҳам шу кунги ўқувчилар тadbир ўтказаяётган экан.

Бугун-чи? Бугун Нукусдан Мўйноқга ча йўлда транспорт. Нукусда кўрмаган транспортларни Оролнинг қуриган тубида кўриб, хайратдан лол қолаётганлар қанча. 2015 йилда туман маркази кўчаларида фақат конденсат газ билан юрадиган мотоцикл ва «Москвич»ларни кўриш мумкин эди. Ҳозирда замонавий йўлтанламас автомашиналарни бошқа туманларда кўра олмаганимиз, лекин Мўйноқда бисёр.

(Давоми 2-бетда)



«... вақт ўтгани сайин дунё ҳам ўзгармоқда, одамларимизнинг яхши яшашга бўлган талаблари ҳам ортиб бормоқда. Энди кечаги натижа билан халқимизни рози қила олмаимиз. Бугунги кун ҳар кун иланиш, янгилик яратишни талаб этмоқда. Фақат ана шундай талаблар асосида иш олиб бориб, халқимизнинг ҳаётини яхши томонга ўзгартириш мумкин.»

Шавкат МИРЗИЁЕВ
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

(2020 йил 21 январь кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги нутқидан)

БУГУНГИ СОНДА:



Приглашение для участия в национальных конкурсных торгах **3**



Саховат ва меҳрдан лиммо-лим қалблар **3**

Уй-жойлар қурилиши қатъий назоратда

Кириб келган янги 2020 йилнинг салкам бир ойи ҳам ортда қолди. Ўтган йил давомида қилинган ишларнинг сарҳисоби қилинмоқда. 2019 йил давомида Тошкент шаҳри ва республикамизнинг барча ҳудудларида уй-жойини яхшилашга муҳтож оилалар учун давлат дастурларига кўра 403 та кўп қаватли арзон уй-жойлар қуриб битказилиб эгаларига топширилди.

Уйларнинг 170 таси Сергели туманида бунёд этилиб, пойтахтлик 7000 та оила ана шу уй-жойларга кўчиб ўтмоқда.

Ўтаётган ҳафтада ижтимоий тармоқларда Сергелидаги кўп қаватли 37-уйнинг хонадонларидан бирида шифтдан сув оқаётгани ҳақидаги видеолар хабарлар тарқалди.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирининг ўринбосари Қозим Туляганов раҳбарлигида мутасадди ташкилотлар, буюртмачи ва вазирлик тизимидаги ташкилотлар мутахассисларидан иборат комиссия

мазкур масалани атрофлича ўрганиб чиқди.

Ижтимоий тармоқларда тарқалган ҳолат Сергели туманидаги 8-қурилиш участкасидаги кўп қаватли уйнинг 2 қаватида рўй бергани аниқланган. Муаммо қурилиш ташкилоти томонидан зудлик билан бартараф этилиб, хонадон эгаси уйни қабул қилиб олган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Сергели туманидаги янги хонадонга кўчиб ўтаётган фуқаролар қабул қилинган уйда мавжуд камчиликлар, уни бартараф этишда қурувчи-

лар томонидан сансоларликка қўл қўйилаётган тақдирда буюртмачи – «Ўзшаҳар қурилиш инвест» ИКнинг @uzshahar_argon_uy_joy телеграмм канали орқали ёзма муурожаат қолдиришлари мумкин.

Қайд этилган вазият юзасидан Қ. Туляганов раҳбарлигида ўтказилган йиғилишда қурилаган уй-жойларнинг сифатига эътиборни янада кучайтириш, келгусида бундай ҳолатларнинг такрорланмаслиги ҳусусида тегишли кўрсатмалар берилди.

Ўз мухбиримиз.



Истиқболдаги режалар таништирилди **4**



Мўйноқ мўъжизаси: ҳақиқатга айланган афсоналар

(Давоми. Боши 1-бетда)

2015 йили борганимда одамларнинг кўзларида умидсизликни кўриб, ҳақиқий фожеани ҳис қилган эдим. Ишсизлик, ҳар хил касалликлар, атмосферанинг ифлосланиши одамлар тинқисини обдан қуритган эди. Лекин шундай шароитда ҳам улар она юртини ташлаб кетмай, келажакка умид боғлаб яшади. Ва бу кунлар, ниҳоят, етиб келди.

Ҳозир ҳамма Мўйноққа бориб кўришни орзу қила бошлади. Шахсан ўзим хизмат юзасидан деярли ҳар ойда бораётган бўлсам ҳам, ҳар боришимдан олдин худди биринчи бор ташрифим каби юрагим олтиқиб туради.

«НИМА УЧУН МЎЙНОҚҚА БОРИШ КЕРАК?»

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманини ривожлантиришга оид қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси ва @newmuynokcity телеграмм каналлари маҳаллий туризмга ҳисса қўшиш мақсадида айнан шу номда мега-танлов ташкил қилди.

Танлов шарти Мўйноққа бориш ёки саёҳат қилиш учун 3 та энг муҳим сабабни айтиб, ҳоҳлаган тилда видеога тушиб юбориш керак. Ҳа, бугун Мўйноққа боришга сабаб кўп. Ўзига оҳанрабодек ром қилаётган ўлканинг меҳри бошқача. Кенг саҳролик инсонга қандайдир тушунтира олмайдиган куч бағишлайди. Кўнғиротдан ўтгандан кейин ана шу ҳис-туйғу вужудингизни эгаллаб олади. Бир вақтлар денгиз бўлган жойларга келганингизда ҳаёлингиздан кўп нарсалар кечиши аниқ.

Ниҳоят, Мўйноққа етиб келсангиз ўзгача ёқимли атмосферани сезасиз. Янгидан қурилган ва қурилаётган бинолар, ижтимоий объектлар янги ҳаёт бошланганидан дарак беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 16 январдаги «Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида атиги 32 минг аҳолиси бор битта туман учун 1 триллион 485 миллиард 176 миллион сўм маблағ ажратилди



Туман марказида барпо қилинган «Мўйноқ порлоқ текстил» тикувчилик мажмуасида 350 нафар хотин-қизнинг иш билан таъминланиши жуда муҳим воқеалардан бири бўлди. Шунингдек, Мўйноқда афсонавий консерва заводининг фойдаланишга топширилиши ҳам бутун халқни қувонтирди.

Давлат бюджети ҳисобидан 25 миллиард сўм эвазига қурилган балиқчи қайта ишлаш ва консервалаш заводидан балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш линиясини ташкил қилиш учун Россия Федерацияси Калининград шаҳрининг «Рыбтехцентр» корхонаси томонидан ишлаб чиқарилган ускуналар олиб келиниб, монтаж қилиш ишлари амалга оширилди.

Мазкур лойиҳа ишга туширилиши билан корхонада йилига 3650 тонна балиқ қайта ишланади. 9 миллион дона балиқ консерваси, 780 тонна балиқ фарши, 400 тонна балиқ фелеси ва 200 тонна дудланган балиқ тайёрланади. Заводда 1000 тонна балиқ маҳсулотларини сақлаш учун музлатгичли омборхона мавжуд. Шунингдек, бу ерда 60 киши ишли бўлади.

Ушбу маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун «Мойнақ Аква санаот» давлат унитар корхонасига тумандаги умумий майдони 60 минг гектардан ортиқ бўлган 9 та сув ҳавзаси бириктирилган.

Мана шундай янгиликлар юз бераётган бир пайтда Мўйноқни бир кўрмаслик учун қандай баҳона топиш мумкин?

манд бўлиб туради. Ушбу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Яқинда Мўйноқ кўчаларидан ўтаётганимда ёғочдан қурилган битта эски уй эътиборимни тортди. Ёнига бориб қизиқиб қараб турсам, мўйноқчи Пўлат ога «бу уйда Совет Иттифоқи Қаҳрамони Иван Фёдорович Махорин яшаган» деди. Шу уйнинг қошидаги яна бир уйни кўрсатиб, «бу уйда Москва шаҳрининг мэри (аслида КПСС Москва шаҳрининг биринчи котиби) Юрий Анатольевич Прокофьев яшаган» деб қўшиб қўйди.

Мўйноқ кўплаб мард ва доно кишиларни дунёга келтирган ва тарбиялаб берган. Орол мавж уриб турган пайтларда мўйноқлик йигитлар ҳарбий хизматда денгиз флотига жалб қилинган. Денгиз флотига эса энг кучлилар танлаб олинган.

Яқинда Мўйноқдан қайтиб келаётиб, машинага бирга минган ҳамроҳим билан суҳбатлашиб қолдим. Унинг тумандаги ўзгаришлар ҳақидаги фикрини билмоқчи бўлдим.

– Кейинги йилларда жуда катта ўзгаришлар бўлди, – деди у. – Бу йил сув ҳам яхши. Халқнинг кайфияти янада аъло бўлди. Ўтган ҳафта сигирим яйловга кетиб келмай қолди. Яйлов деярли қуриб қолган қўлда ўсиб турган қамишлар. Кеча шу сигиримни излаб чиқдим. Қўлга сув кўп келиб, жонивор сувдан чиқа олмай қолган экан. Сув этик кийиб кўлнинг ичига кириб, олиб чиқдим. Лекин сув белимгача келди. Сувуқ қотиб қолдим. Уйга бориб укол олдим.

Шу гапни у оддий қилиб, кундалик иш фаолияти каби айтаётган эди, мен эса «шу совуқда сувга тушдингизми?» деб ҳайратдан лол қолдим. Ноябрь ойида Мўйноқда анча совуқ бўлишини ҳисобга олсак, ҳамроҳимнинг бу ишини ҳақиқий мардлик, деб ҳисоблаш мумкин.

Ҳа, мўйноқчилар – мард халқ. Бунга яна бир мисол келтирайман. Бугунги кунда Орол денгизининг қуриган ҳудудида 5 миллион гектардан зиёд майдонда заҳарли пестицидлар билан тўйинган кумли-тузли чексиз саҳро пайдо бўлди. Ҳар йили шу саҳролардан 100 миллион тонна заҳарли чанг кўтарилади.

Экологик фожиа оқибатида Оролбўйи ҳудудида нафас йўллари касалликлари йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, сил билан касалланиш кўрсаткичи 100 минг одамга 50 тадан ортиқча тўғри келса, бу эпидемия ҳисобланади. Қорақалпоғистонда эса бу кўрсаткич 78 тани ташкил этади. Орол денгизига яқин ҳудудларда бундан ҳам юқори.

Худудда камқонлик, онкологик ва бошқа касалликлар кўпаймоқда, гўдаклар ўлими ўртача кўрсаткичдан икки марта юқори.

Экологик фожиа туфайли ҳар 4-5 йилда худудда сувсизлик юзага келиб, у 2-3 йиллаб давом этмоқда. Бу бутун агросаноат комплексига, жумладан, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, балиқчилик, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини санаотда қайта ишлаш ва бошқа соҳаларга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Мана шундай қийинчиликларни матонат билан енгиб, фожияни омадга, туманни «Саҳро марвариди»га айлантириш учун фидокорона меҳнат қилаётган мўйноқчиларни мард халқ деб айтмаслик мумкинми! Шунча қийинчиликларни бошидан кечирган халқни албатта бахтли кунлар кутиб тургани аниқ. Бахтли кунлар пойдеворини яратиш борасида ҳозир Оролнинг қуриган майдонида ўрмонлаштириш тадбирлари амалга оширилмоқда.

МЎЙНОҚ БИЛАН ОРОЛ – ДОНОЛИК ВА МАРДЛИК ТИМСОЛИ

Қорақалпоғистондаги кўплаб таниқли давлат арбоблари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, олимлар, шоир-ёзувчилар, маданият соҳаси вакиллари Мўйноқда, Орол денгизига яқин жойда туғилиб ўсган.

Масалан, Бердақ ва Ажиниёз шоирлар асли мўйноқчилар. Халқ шоири Тилеуберган Жумамуратов ижодининг асосий маҳсули туғилиб ўсган жойи – Орол денгизи соҳиллари тўғрисида бўлди. Қорақалпоғистон Республикасини бошқарган Қалибек Камалов, марҳум Сағиндиқ Нийетуллаев, Уббинияз Аширбеков ва марҳум Тимур Камаловлар ҳам Оролга яқин жойда туғилиб ўсган. Академик Жуманазар Барзобоев туғилиб ўсган Мўйноқ туманига тез-тез ташриф буюриб, улкан ўзгаришлардан баҳра-



ЧЎЛ ЎСИМЛИКЛАРИ – ФОЖИА ХАЛОСКОРИ

Жорий мавсумда Орол денгизининг қуриган тубидаги 700 минг гектар майдонга саксовул, юлғун, қандим, қорабарақ ва бошқа яйлов-чўл ўсимликларини экиш белгиланган бўлса, бугунги кунга қадар режанинг қарийб 50 фоизи бажарилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси маълумотиغا кўра, жорий мавсумда экиш учун 2400 тонна чўл ўсимликлари уруги йиғилиши белгиланган ва ҳозирги кунда деярли 2000 тоннаси тайёрланган. Уруг тайёрлаш ишлари ишчилар билан бирга Мўйноқ тумани аҳолиси ҳам кенг жалб қилинган. Уруғнинг ҳар килограмига 10 минг сўмдан берилмоқда. Битта киши бир кунда ўртача 15-20 кило йиғиши мумкин.

Уруғдан ўрмон экиш тадбирлари асосан тракторлар ва АН-2 самолётлари орқали амалга оширилмоқда. Шунингдек, дельтапланда уруг сепиш ҳам йўлга қўйилди.

Ҳозирда Оролнинг қуриган тубида ўрмонлаштириш тадбирларига 850 та техника (жумладан, 4 та самолёт) ва 2500 дан ортиқ ишчилар жалб қилинган. Мазкур тадбир 2018 йил декабрь ойида бошланган бўлиб, ўтган мавсумда 460 минг гектардан ортиқ майдонда чўл ўсимликлари экилган эди.

фламинголларнинг кўпайиши учун ниҳоятда қулай ҳисобланади.

Яқин вақтларда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида 885 минг гектар майдонга эга бўлган янги 4 та – «Судочье кўли тизими» (84,7 минг га), «Ақпеткей» (58,8 минг га) «Белтау» (188,3 минг га), «Междуречье Ақдарё – Қазақдарё» (22,2 минг га) буюртмаҳоналари ташкил қилиниши бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Ушбу буюртмаҳоналар биохилмахиликнинг янада ривожланишига кенг имкон яратади.

МЎЙНОҚДА ЭНДИ САЙЁҲЛАР САМОЛЁТЛАРДА САЙР ҚИЛИШИ МУМКИН

Мўйноқ туманининг туристик салоҳиятини кўтариш мақсадида сайёҳларни самолётларда сайр қилдириш лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Хукуматнинг юқорида қайд этилган қарорида Нукус-Мўйноқ-Оролбўйи денгизи йўналишида (ва ортга) вертолёт ва самолётда йўловчи ташиш хизматларини ташкил этиш, 3 та АН-2 русумдаги самолётни таъмирлаш ва 2 та вертолёт сотиб олиш белгиланган. Нукус-Мўйноқ-Оролбўйи денгизи йўналишида (ва ортга) самолётда йўловчи ташиш хизматларини ташкил этиш бўйича Канада тажрибаси ўрганилмоқда.



Умуман, ўрмонлаштириш тадбирлари денгиз чекингандан кейин, яъни ўтган асрнинг 80-йилларида бошланган бўлиб, қарийб 40 йил давомида атиги 400 минг гектар майдон ўрмонлаштирилган эди. 2018 йилгача, яъни янги ўрмонлаштириш даври бошлангунга қадар, Мўйноқда ўрмонлаштириш тадбирларига атиги иккита трактор (Т28 маркали) ва 10-15 ишчи жалб қилинган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич бир неча юз баробар ошган.

ОРОЛГА ҲАЁТ ҚАЙТМОҚДА

Бундан 20 йиллар аввал Орол денгизининг қуриган тубида 28 минг гектар майдонда экилган саксовулзорлар орасида ҳозирда ҳайвонот ва қушларнинг кўплаб турлари пайдо бўлган. Жумладан, ғозлар, ўрдаклар, йиртқич қушлар, қирғовул, қашқалдоқ, ондатра, бўрсиқ, чия-бўри, тулки, бўри, қамиш мушуги, жайрон, ёввойи чўчка ва бошқаларни кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан Қорақалпоғистон ҳудудида ўтказилган тадқиқот натижалари бўйича қушларнинг 137 янги тури аниқланган. Жумладан, минтақа орнитофауниси учун янги 10 та тур фанда расман қайд этилган.

Биология фанлари доктори Света Мамбетуллаеванинг таъкидлашича, Оролбўйи минтақасида аввал учрамаган бегунок, шарқ клушаси (восточная клуша), узун думли читтак (длиннохвостая синица), кичик балиқчи куш (малая чайка), катта читтак (большая синица), кичик чипор қизилштон (малый пёстрый дятель), кул ранг каклик (серая куропатка), снегирь каби янги қуш турлари пайдо бўлган. Қуйи Амударёда экологик вазият пасайишига қарамасдан, худудда табиий муҳитда баъзи ўтроқ ва кўчмачи қушлар учун қулай шароитлар ҳам юзага келди.

Кейинги пайтларда Қорақалпоғистон ҳудудидаги қўлларга фламинго қушлари кўпайиш учун ҳам кела бошлади. Жумладан, Мўйноқ кўлтигидаги қўллар тизими бўлган Судочье, Сарикамиш, Жалтирбас, Шеgekул каби қўллар

Тумандаги аэропортни реконструкция қилиш учун эса бугунги кунда 35,6 миллиард сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, 35,7 миллиард сўм молиялаштирилган.

Қорақалпоғистон Республикасининг туристик салоҳиятини тарғибот қилиш мақсадида <http://karakalpakstan.travel/> сайти ишга туширилган бўлиб, ҳозирда туманининг сайёҳлик салоҳиятини намоён қилувчи ўзбек, рус ва инглиз тилларида маълумотлар киритилиб борилмоқда.

Ҳозирда newmuynokcity.uz веб-сайтига Мўйноқ туманининг сайёҳлик салоҳиятини намоён қилувчи ўзбек, рус ва инглиз тилларида маълумотлар тақдим этиб борилмоқда. Туманининг туристик ҳудудларида «селфи объект»лари ташкил этилган. «Хунармандлар аллеяси» ташкил этилди. Хунармандлар аллеясида 3 та ўтов ва 6 та дўкон жойлашган бўлиб, ўтовларда ёғоч ўймакорлиги, қуроқ буюмлари ва қўлда гилам тўқийдиган моҳир уст-хунармандлар жойлаштирилди. Дўконларда эса эсдалик буюмлари, миллий пойабзал маҳсулотлари, қўлда тўқилган гиламлар, миллий мусика асбоблари, совға буюмлари ишлаб чиқарадиган хунармандлар фаолият олиб боради.

Туристар учун «Балиқчилик қишлоғи»ни қўриш ҳам қизиқ. Шу мақсадда «Балиқчилик қишлоғи»ни ташкил этиш учун «Тик-Ўзек»вул фуқаролар йиғини ҳудудида 2 гектар ер майдони ажратилди.

«Балиқчилар қишлоғи»да туристар балиқчилар уйларини, балиқчилик уй-музейини томоша қилиши, қайиқда сайр этиши, балиқ овлаши, овқатланиши, автотранспортларда диққатга сазовор бошқа жойларга ташриф буюриши мумкин.

Дарҳақиқат, афсоналар бугун Мўйноқда ҳақиқатга айланмоқда. Бутун халқ бир мақсад йўлида жипслашган Оролбўйида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар тарих саҳифаларига олтин ҳарфлар билан ёзиб қолдирилади. Ва бу буюк ишлар, албатта, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев номи билан боғланади.

Есимхан ҚАНОАТОВ,
ЎЗА МУҲБИРИ

СПЕЦИАЛЬНОЕ ОБЪЯВЛЕНИЕ О ЗАКУПКАХ

Республика Узбекистан

Проект: «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)»

Форма финансирования: Истисна'а

ПРОЕКТ № УЗБ-1004.

№ конкурсных торгов 2020-01

1. Республика Узбекистан получила финансовые средства от Исламского банка развития с целью финансирования проекта «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)» с соответствующей инфраструктурой и намерена использовать часть средств на строительство доступных типовых домов в сельской местности Республики Узбекистан. Конкурсные торги будут регулироваться в соответствии с правилами и процедурами закупок ИБР. ООО ИК «Кишлок курилиш инвест» – Заказчик, настоящим приглашает запечатанные конкурсные предложения от правомочных участников торгов для строительства 552 жилых домов по типовым проектам в сельских местностях Наманганской и Джизакской областей.

Срок строительства составляет – 9 (девять) месяцев.

2. Конкурсные торги будут проводиться в соответствии с условиями национальных конкурсных торгов, как указано в руководстве по закупкам товаров и услуг ИБР в рамках финансирования ИБР (нынешнее издание), и открыт всем правомочным участникам, как указано в руководстве.

3. Заинтересованные правомочные участники могут получить дополнительную информацию из нижеперечисленных территориальных консалтинговых центров по организации конкурсных торгов в строительстве по нижеприведенному адресу в течение рабочего времени с 10.00 до 17.00.

Наманганская область	Джизакская область
Адрес: г. Наманган, ул. Навои, 22. Телефон: (69) 227-94-30. Факс: (69) 227-91-47.	Адрес: г. Джизак, ул. И. Каримова. Телефон: (72) 226-14-66. Факс: (72) 226-14-66.

4. Полный комплект тендерной документации, составленный на русском языке, может быть приобретен правомочными участниками по представлению письменного заявления на имя организатора торгов на вышеуказанные адреса, а также необходимо приложить платежное поручение из банка о невозмещаемой оплате в размере одной МЗП.

5. Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет тендерных документов следует внести на банковский счет организатора конкурсных торгов – территориальных консалтинговых центров по организации конкурсных торгов в строительстве.

Ниже представлены их реквизиты банковских счетов:

Наманганская область	Джизакская область
Банк: филиал Юксалиш АКБ «Хамкорбанк» P/c: 2021 0000 8031 9675 2001 ИНН: 202 393 842	Банк: Джизакский филиал АКИБ «Ипотека-банк». P/c: 2021 0000 0037 5718 9001 ИНН: 202 411 803

6. Все предложения должны быть предоставлены организаторам конкурсных торгов, с даты объявления конкурсных торгов, в рабочее время (с 10.00 до 17.00 с понедельника по пятницу) по вышеуказанным адресам в пункте 3. Предложения будут приниматься в территориальных консалтинговых центрах по организации конкурсных торгов в строительстве в соответствии с регионом до истечения крайнего срока подачи предложений, которые указаны ниже (см. таблицу). Если последний срок подачи конкурсных предложений попадает на национальный праздник, то последний срок подачи заявки продлевается на следующий рабочий день.

7. Требуется приложить Тендерную гарантию к предложениям в размере не менее 2 % от стоимости предложения. Вскрытие конкурсных предложений состоится в последний день подачи заявок согласно нижеприведенной таблице в присутствии представителей участников торгов.

Конкурсные предложения будут вскрываться по нижеуказанным адресам:

Наманганская область	Джизакская область
Адрес: г. Наманган, ул. Навои, 22. Телефон: (69) 227-94-30. Факс: (69) 227-91-47.	Адрес: г. Джизак, ул. И. Каримова. Телефон: (72) 226-14-66. Факс: (72) 226-14-66.

8. Опоздавшие конкурсные предложения будут отклонены и возвращены в закрытом виде.

ПРИГЛАШЕНИЕ № 2020-01

для участия в конкурсных торгах

Проект: «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)»

№ лота	Наименование региона	Наименование массива	Кол-во квартир	Многоэтажный дом с 2-, 3-комнатными квартирами			Крайний срок подачи	
				кол-во домов	кол-во квартир	№ дома		
ВСЕГО				4	552	23	552	
по Наманганской области				3	288	12	288	
ИБР-11	Норынский	Галаба	24	1	24	1	25 февраля 2020 года, 10.00	
ИБР-12	Норынский	Галаба	24	1	24	2	25 февраля 2020 года, 10.30	
ИБР-13	Норынский	Галаба	24	1	24	3	25 февраля 2020 года, 11.00	
ИБР-14	Норынский	Галаба	24	1	24	4	25 февраля 2020 года, 11.30	
ИБР-15	Чартакский	Дустлик	24	1	24	1	25 февраля 2020 года, 12.00	
ИБР-16	Чартакский	Дустлик	24	1	24	2	25 февраля 2020 года, 12.30	
ИБР-17	Чартакский	Дустлик	24	1	24	3	25 февраля 2020 года, 14.00	
ИБР-18	Чартакский	Дустлик	24	1	24	4	25 февраля 2020 года, 14.30	
ИБР-19	Янгикурганский	Водий	24	1	24	1	25 февраля 2020 года, 15.00	
ИБР-20	Янгикурганский	Водий	24	1	24	2	25 февраля 2020 года, 15.30	
ИБР-21	Янгикурганский	Водий	24	1	24	3	25 февраля 2020 года, 16.00	
ИБР-22	Янгикурганский	Водий	24	1	24	4	25 февраля 2020 года, 16.30	
по Джизакской области				1	264	11	264	
ИБР-23	Шароф Рашидов	Токчилик	24	1	24	1	25 февраля 2020 года, 10.00	
ИБР-24	Шароф Рашидов	Токчилик	24	1	24	2	25 февраля 2020 года, 10.30	
ИБР-25	Шароф Рашидов	Токчилик	24	1	24	3	25 февраля 2020 года, 11.00	
ИБР-26	Шароф Рашидов	Токчилик	24	1	24	4	25 февраля 2020 года, 11.30	
ИБР-27	Шароф Рашидов	Токчилик	24	1	24	5	25 февраля 2020 года, 12.00	
ИБР-28	Шароф Рашидов	Токчилик	24	1	24	6	25 февраля 2020 года, 12.30	
ИБР-29	Шароф Рашидов	Токчилик	24	1	24	7	25 февраля 2020 года, 14.00	
ИБР-30	Шароф Рашидов	Токчилик	24	1	24	8	25 февраля 2020 года, 14.30	
ИБР-31	Шароф Рашидов	Токчилик	24	1	24	9	25 февраля 2020 года, 15.00	
ИБР-32	Шароф Рашидов	Токчилик	24	1	24	10	25 февраля 2020 года, 15.30	
ИБР-33	Шароф Рашидов	Токчилик	24	1	24	11	25 февраля 2020 года, 16.00	

Приглашение на участие в открытых аукционных торгах!

На открытые аукционные торги, проводимые в порядке пошагового повышения цен, 24 февраля 2020 года в 09.30 ГУП «Центр по оказанию услуг в агропромышленном комплексе» выставят следующие автотранспортные средства:

«TOYOTA HIACE» 1998 года выпуска, гос. номер 01 630 PFA. Стартовая цена – 10 588 028 сум.

«Damas» 2003 года выпуска, гос. номер 01 352 CCA. Стартовая цена – 19 213 031 сум.

«Nexia» 2004 года выпуска, гос. номер 01 893 VFA. Стартовая цена – 21 667 063 сум.

«Tico» 2000 года выпуска, гос. номер 01 428 QGA. Стартовая цена – 6 861 366 сум.

«TOYOTA HIACE» 1998 года выпуска, гос. номер 01 691 YBA. Стартовая цена – 10 588 028 сум.

«Damas VAN» 2004 года выпуска, гос. номер 01 680 QBA. Стартовая цена – 19 310 179 сум.

«Matiz» 2010 года выпуска, гос. номер 01 645 PFA. Стартовая цена – 14 152 162 сум.

«Lada-2170311401» 2008 года выпуска, гос. номер 01 436 QGA. Стартовая цена – 15 470 935 сум.

«Damas» 2004 года выпуска, гос. номер 01 664 QBA. Стартовая цена – 16 896 407 сум.

«Nexia» 2004 года выпуска, гос. номер 01 445 QGA. Стартовая цена – 21 667 063 сум.

«Matiz» 2010 года выпуска, гос. номер 01 640 PFA. Стартовая цена – 16 173 899 сум.

«Damas» 2000 года выпуска, гос. номер 01 825 NAA. Стартовая цена – 19 877 760 сум.

«Matiz» 2009 года выпуска, гос. номер 01 644 PFA. Стартовая цена – 16 012 729 сум.

«M-412» 1991 года выпуска, гос. номер 01 449 QGA. Стартовая цена – 1 424 250 сум.

«Damas» 2007 года выпуска, гос. номер 01 647 PFA. Стартовая цена – 35 212 320 сум.

«Tico» 2000 года выпуска, гос. номер 01 959 HBA. Стартовая цена – 6 861 366 сум.

«Nexia» 2005 года выпуска, гос. номер 01 637 PFA. Стартовая цена – 21 882 392 сум.

«Lada» 2009 года выпуска, гос. номер 01 432 QGA. Стартовая цена – 20 991 600 сум.

«Matiz» 2003 года выпуска, гос. номер 01 651 PFA. Стартовая цена – 19 624 592 сум.

«GAZ-33020214» 2005 года выпуска, гос. номер 01 628 PFA. Стартовая цена – 52 190 737 сум.

«TOYOTA HIACE» 1998 года выпуска, гос. номер 01 345 CCA. Стартовая цена – 10 588 028 сум.

«Damas» 2005 года выпуска, гос. номер 01 379 CCA. Стартовая цена – 19 897 369 сум.

«Matiz» 2010 года выпуска, гос. номер 01 446 QGA. Стартовая цена – 16 173 899 сум.

«Damas VAN» 2005 года выпуска, гос. номер 01 435 QGA. Стартовая цена – 24 911 173 сум.

«TOYOTA HIACE» 1998 года выпуска, гос. номер 01 332 CCA. Стартовая цена – 10 588 028 сум.

«Matiz» 2010 года выпуска, гос. номер 01 446 QGA. Стартовая цена – 16 173 899 сум.

«Damas» 2001 года выпуска, гос. номер 01 450 QGA. Стартовая цена – 18 827 944 сум.

«Damas VAN» 2004 года выпуска, гос. номер 01 662 QBA. Стартовая цена – 19 310 179 сум.

«Matiz» 2004 года выпуска, гос. номер

01 642 PFA. Стартовая цена – 15 120 000 сум.

«TOYOTA HIACE» 1998 года выпуска, гос. номер 01 632 PFA. Стартовая цена – 10 588 028 сум.

«Nexia» 2009 года выпуска, гос. номер 01 761 QGA. Стартовая цена – 19 091 819 сум.

«Nexia DOHC» 2003 года выпуска, гос. номер 01 347 VFA. Стартовая цена – 33 234 772 сум.

«Damas» 2000 года выпуска, гос. номер 01 433 QGA. Стартовая цена – 17 393 040 сум.

«TOYOTA HIACE» 1998 года выпуска, гос. номер 01 633 PFA. Стартовая цена – 10 588 028 сум.

«Damas VAN» 2004 года выпуска, гос. номер 01 681 QBA. Стартовая цена – 19 310 179 сум.

«Nexia» 1997 года выпуска, гос. номер 01 453 QGA. Стартовая цена – 15 206 743 сум.

«VAZ-2107011020» 2005 года выпуска, гос. номер 01 517 ECA. Стартовая цена – 11 899 720 сум.

«Damas» 2005 года выпуска, гос. номер 01 351 CCA. Стартовая цена – 19 897 369 сум.

«Nexia» 1997 года выпуска, гос. номер 01 437 QGA. Стартовая цена – 16 220 526 сум.

«Tico» 1998 года выпуска, гос. номер 01 448 SAA. Стартовая цена – 6 723 956 сум.

«Damas» 2004 года выпуска, гос. номер 01 635 PFA. Стартовая цена – 16 878 165 сум.

«Nexia» 2001 года выпуска, гос. номер 01 762 QGA. Стартовая цена – 15 859 650 сум.

«Lada-2107411030» 2009 года выпуска, гос. номер 01 532 NAA. Стартовая цена – 31 070 391 сум.

«Damas» 2004 года выпуска, гос. номер 01 623 PFA. Стартовая цена – 19 405 575 сум.

«Damas VAN» 2004 года выпуска, гос. номер 01 663 QBA. Стартовая цена – 14 568 841 сум.

«Nexia» 2011 года выпуска, гос. номер 01 429 QGA. Стартовая цена – 23 902 667 сум.

«Lada-1117411430» 2008 года выпуска, гос. номер 01 452 QGA. Стартовая цена – 14 355 956 сум.

«Matiz» 2010 года выпуска, гос. номер 01 439 QGA. Стартовая цена – 14 521 162 сум.

«Matiz» 2002 года выпуска, гос. номер 01 636 PFA. Стартовая цена – 14 824 918 сум.

«Nexia» 2003 года выпуска, гос. номер 01 451 QGA. Стартовая цена – 21 451 734 сум.

«Damas VAN» 2006 года выпуска, гос. номер 01 441 QGA. Стартовая цена – 25 031 993 сум.

«Tico» 2001 года выпуска, гос. номер 01 485 QGA. Стартовая цена – 6 930 071 сум.

«Damas» 2001 года выпуска, гос. номер 01 612 UFA. Стартовая цена – 26 098 945 сум.

«Tico» 2001 года выпуска, гос. номер 01 442 QGA. Стартовая цена – 6 930 071 сум.

«Nexia DOHC» 2007 года выпуска, гос. номер 01 483 QGA. Стартовая цена – 21 762 505 сум.

«Lada» 2009 года выпуска, гос. номер 01 443 QGA. Стартовая цена – 20 991 600 сум.

«Damas» 2005 года выпуска, гос. номер 01 347 CCA. Стартовая цена – 19 897 369 сум.

«Nexia» 2002 года выпуска, гос. номер 01 438 QCA. Стартовая цена – 16 022 109 сум.

«VAZ-2104108430» 2012 года выпуска, гос. номер 01 652 PFA. Стартовая цена – 16 748 616 сум.

Победитель аукциона должен оплатить 3 % от

продажной стоимости автотранспортного средства на счет организатора торгов.

Повторные аукционные торги будут проводиться каждый понедельник в указанное выше время.

Заявки от претендентов на участие в аукционных торгах будут приниматься в рабочие дни с 11.00 до 16.00 по адресу: город Ташкент, улица Х. Алимджана, дом 13 «А».

Принимается оплата после заключения договора о задатке и оплаты задатка приостанавливается за день до аукционных торгов в 09.30.

Победитель аукциона должен заключить договор с продавцом в течение 10 банковских дней.

Принимается оплата за дополнительные услуги в размере 2-х минимальных окладов за каждое автотранспортное средство. А так же за бланк победителя в размере 1-го минимального оклада за каждое автотранспортное средство.

Претенденты, желающие участвовать в аукционных торгах, должны внести задаток в размере 15 % от стартовой стоимости автотранспортного средства на банковский счет организатора торгов с указанием в платежных документах наименования автотранспортного средства.

Реквизиты: ООО «Auto trade cooperation» p/c 2020 8000 5050 1568 5001 в АКБ «InFinBank» МФО 01041 ИИН 302 477 464.

Телефон: 951-937-496.

Свидетельство № 005148.

САМАРҚАНДАН ХАБАРЛАР

Кўприксозлар шижоат кўрсатмоқда

Мустақил диёримизда магистрал йўллари қуриш, халқаро аҳамиятга молик транспорт тизимини яратиш, улар атрофида замонавий инфратузилмани барпо этиш долзарб вазифага айланган.

Йўлсозлар жаҳон андозаларига мос келадиган илғор техника ва технологияларга таяниб, ўз зиммаларидаги юксак масъулиятни шараф билан адо этаётдилар. Ўзбекистон умумфойдаланишдаги йўлларнинг техник кўрсаткичи бўйича нафақат Марказий Осиёда, балки дунёда етакчи мамлакатлар қаторида экани бу фикрни тасдиқлайди. Жумладан, Самарқанд «Кўприклардан фойдаланиш» унитар корхонаси жамоаси ҳам бу борада эътиборга молик ишларни бажараётганлиги қувончлидир.

120 нафардан зиёд тажрибали, ўз касбининг моҳир усталарини бирлаштирган жамоа қишин-ёзин тиним билмайди. Чунки инвестиция дастури доирасидаги объектларни қуриш, халқаро ва ҳудудий йўллардаги кўприкларни тўла ва жорий таъмирлаш доимо ҳаракатни, изланишни талаб қилиши ҳеч кимга сир эмас. Мураккаб об-ҳаво шароити ҳам, табиий офатлар ҳам жамоа ишчи-хизматчиларини мудом ишга масъулият билан ёндошишга ундаши, шубҳасиз.

Йўл, кўприк қуриш савобли ҳисобланади. «Кўприк қурган кам бўлмас, равон йўлда кам бўлмас», дейди доноларимиз. Зеро, юрт ободлигига ҳисса қўшишни бурч, деб билган бунёдкорларнинг заҳматли меҳнати ҳақида ҳар қанча мақтов айтиш мумкин. Улар бунёд этган йўллар, юзлаб иншоотлар бугун халқ ҳўжалигига самарали хизмат қилаётгани кўнгилларда шукроналик ва фахрланиш туйғусини уйғотади.

Айни пайтда жамоага Сирдарё вилоятидаги М-34 йўлининг Дўстлик канали устидан

ўтувчи кўприкни тўлиқ таъмирлаш вазифаси юклатилган. М-37 йўлининг Қорадарё дарёси кўпригидаги қурилиш-монтаж ишлари бошлаб юборилган. Умуман жами умумфойдаланишдаги йўлларнинг 20 тадан зиёд кўпригида реконструкция юмушлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Бундан ташқари, учта сунъий галерея яратиш ишлари олиб борилиб, ички ҳўжалик йўлларидидаги 9 та иншоот қайта тикланаётир.

Ходимлар қурилиш-монтаж ишларини тезкор, сифатли ва самарали бажарилишини таъминлашга астойдил интилишларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бунинг учун уларга барча шароит ва имконият яратилган. Масалан, соф фойда ҳисобидан харид қилинган «Somillion» маркали автокран, таянч қозиларини қозишга мослаштирилган махсус техника ва қатор механизмлар мадади катта бўлмоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки, қурилиш материалларини вақтида етказиб бериш мақсадида корхонанинг ўзида бир неча ишлаб чиқариш цехлари ташкил этилгани ютуқларга йўл очмоқда. Қолаверса, буюртма асосида махсулотлар харид қилиш учун йирик заводлар билан олдидан шартнома тузилгани иш унумини таъминлаётир.

Хуллас, мамлакат бунёдкорлиги йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган кўприксозлар самарали фаолияти таҳсинга сазовор. Улар ижтимоий ҳимояга олингани ҳам иш унумига ижобий таъсир этмоқда. Буни ходимларнинг қайғиёти, ўз ишидан мамнуниликдан яққол сезиш мумкин.

Саховат ва меҳрдан лиммо-лим қалблар

Мустақил диёримизда магистрал йўллари қуриш, халқаро аҳамиятга молик транспорт тизимини яратиш, улар атрофида замонавий инфратузилмани барпо этиш долзарб вазифага айланган.

Кекса ва ногиронлиги бўлган шахсларга меҳр-мурувват кўрсатиш, уларни ҳар томонлама гамҳўрлик билан қуриб олиш давлатимизнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Бу борада Самарқандда амалга оширилган тадбирлар, айниқса юксак эътирофга сазовор. Утган ҳафтада бир йўла вилоятдаги «Саховат» ва «Мурувват» уйлари учун янги, замонавий, барча шароитларга эга бинолар фойдаланишга топширилгани бу фикрнинг исботидир.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурдаги тиббий-ижтимоий хизматлар агентлигининг Самарқанддаги «Саховат» – кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйида олиб борилган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари ҳақида ҳар қанча тўқинлиниб гапирсам арзийди, – дейди муассаса раҳбари, меҳрибон тарбиячи Сурайё Жаводова. – «Меъмор-96» МЧЖ бинокорлари қисқа фурсатда 8 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфлаб, катта юмушларни бажаришга эришдилар. Уларнинг сазў-ҳаракати туфайли 50 ўринли ётоқхона, 150 ўринли ошхона, кинохона, ҳаммом, кир ювиш хонаси ва бошқа иншоотлар қурилиб, таъки муҳандислик ва коммуникация тизими қайта реконструкция қилинди. Хуллас, давлатимиз васийликка олган 142 нафар кекса ва ногиронлиги бўлган

шахс яна бир бор чинакам гамҳўрликни ҳис қилдилар, десам аниқлашмайман.

Ургут туманидаги «Мурувват» аёллар интернат уйидаги бунёдкорлик юмушларини янада эҳтирос билан тилга олиш жоиз. «Толиб бобо» корхонаси ишчи-хизматчиларининг фидокорона меҳнати билан 450 ўринли муҳташам кошона узгалар ёрдамига муҳтож, қалби кемтик инсонларга соғва қилинди. Бинода замонавий иморатсозликнинг энг сунъий ютуқлари қўлланилгани эътиборга лойиқ. 32,5 миллиард сўм маблағ эвазига барпо этилган иншоотда яшовчилар учун барча қулайликлар яратилди.

Ҳамма нарса етарли, тўрт мучаси соғлом бўла туриб, доим ҳаётдан нолиб юрадиган кишилар бундай масканларга келиб турса, ҳаётга шукрона айтиб яшаш кераклигини қалбдан ҳис қилади, – деди маскан очилишига бағишланган маросимда вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов. – Ўз навбатида бу масканда истиқомат қилувчиларни парваршлаб, уларнинг кўнглини кўтариб, сидқидилдан ишлаётган тиббиёт ходимларига ҳам миннатдорчилик билдирамиз. Шу билан бирга, қурувчиларимизга ҳар алоҳида ташақкур айтамыз.

Ҳамза ШУКУРОВ,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

Келажак авлодга ғамхўрлик

Пойтахтимиздаги 5 та мактабгача таълим ташкилоти Давлат инвестиция дастури асосида қайта таъмирланди, замонавий инвентарлар билан жиҳозланди ва шу кунларда фойдаланишга топширилди. Ушбу муассасаларга эндиликда 1 минг 130 нафар болажонлар қамраб олинади.

Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманидаги Улуғбек номли маҳалласи, Чилонзор туманининг «Қатортол» ҳамда «Новза», Яшнобод туманининг «Янги нур» ва Юнусобод туманининг Чингиз Айтматов маҳаллаларидаги мактабгача таълим ташкилотларининг реконструкциядан чиқарилган бинолари янгидан иш бошлагани гоётда қувончли воқеалардан бири бўлди.

2019 йилга белгиланган Давлат инвестиция дастури доирасида ушбу муассасалар йил давомида тўлиқ замонавий кўринишга келтирилди. Биргина, Мирзо Улуғбек туманида жойлашган 219-мактабгача таълим ташкилоти ўтган асрнинг 60-йилларида қурилган эски бинодан иборат эди. Бир неча марта жорий таъмирдан чиқарилган бўлса-да, анчайин таъмирталаб аҳолга келиб қолган эди. Эндиликда янги реконструкциядан чиқарилган ушбу муассаса 240 ўрин ташкил этилган бўлиб, ўғил-қизларнинг сифатли ва самарали мактаб таълимига тайёрлаш учун барча зарур шарт-шароитлар мўҳайё этилди.

Таъкидлаш зарур, бугунги кунда Ўзбекистон мактабгача таълим муассасаларида таълим беришининг янги тизими амалиётда самарали қўлланиб келинмоқда. Жумладан, мактабгача таълим муассасаларининг тарбияланувчиларига «Илк қадам» ўқув дастури асосида таҳсил бериб келинмоқда. Айтиш кераки, ушбу дастур энг яхши халқаро амалиёт ҳамда Жанубий Корея тажрибаси асосида ишлаб чиқилган бўлиб, унинг асосий мақсади ҳаёти давомида узлуксиз ривожланишга қодир бўлган шахсларни шакллантиришдан иборатдир.



Бугунги кунда Мактабгача таълим тизимида фаолият олиб бораётган педагог кадрларнинг олдида турган муҳим вазифалардан бири бу илк ва мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама юксак тарзда ривожлантириш, «Илк қадам» давлат таълим дастури асосида таълим-тарбия жараёнларини самарали ташкил этишдан иборатдир.

Яшнобод туманидаги 517-МТТ тўлиқ реконструкция қилинган гоётда эзгу ва хайрли ишлардан бири бўлди. Чунки, 1978 йилда барпо этилган ушбу бино жуда эскирган, гарчи, жорий таъмирдан чиқарилган бўлса-да, шароитлари у қадар яхши эмасди. Эндиликда болажонларимиз учун барча қўлайликларга эга ётоқхона, машғулотлар ва ўйинхоналари, кийиниш-ечиниш, ювенил хоналари, кутубхона, гимнастика ва мусиқа зали, ҳамшира ҳамда психолог хона-

сини ўзида мужассам этган замонавий бино барпо этилди.

– Албатта, бу жараёнда қурувчиларимизнинг хизматларини алоҳида эътироф этишни истардик. Чунки, ҳар қанча маблағ ажратилмасин, бинони сифатли ва мукамал қуриш ана шу соҳа вакиллари-нинг олдидаги маъсулияти вазифа. Биз янги ва замонавий бинони кўриб, унга янада қўлайликлар яратиш мақсадида ҳомийларни ҳам жалб қилганимиз, улар ўз ихтиёри билан боғчага зарур бўладиган жиҳозларни келтирилмоқдалар. Бу эса халқимизнинг болажон эканлигидан, хайру саҳоватли юрдошларимиз борлигидан дарак беради, – дейди 517-мактабгача таълим ташкилоти мудири Муҳаррам Кенжаева. – Боғчамизнинг ташқари ховлисига ҳам алоҳида эътибор қаратганмиз. Ёз фаслида болаларни соғломлаштириш мақсадида кичик ҳовузча, спорт жиҳозларини ўзида жамлаган майдонча ва яна турли маданий маърифий тадбирларни ўтказишга хизмат қилувчи саҳна ҳам ташкил этдик. 8 минг 674 минг квадрат майдонга эга бўлган ушбу боғчада шунингдек, кичкинтойларнинг йўл ҳаракати қоидаларини пухта ўзлаштиришлари учун йўл белгилари, светофор чироқлари ўрнатишга ҳаракат қилдик. Давлат инвестиция дастурининг 3 миллиард 100 миллион сўмлик маблағ асосида боғча тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Ҳар бир хонага телевизор, кир ювиш машиналари, юмшоқ ва қаттиқ мебеллар билан таъминланди.

Таъкидлаш кераки, республикамизнинг барча ҳудудларида барпо этилаётган мактабгача таълим ташкилотлари кўпайиб бормоқда. Бу эса келажак авлоднинг баркамол ўсиб-унишига хизмат қилиб, юртимиз келажигига билимли фарзандларни етказиб беришга замин яратади.

Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда тадбиркор бўламан, деган кишига барча эшиклар очилди.

Тадбиркорга муносабат ўзгарди

Ўз қобилияти ва салоҳиятини ишга солиб, бу борада катта ютуқларга эришган юрдошларимиз сафи кенгаймоқда. Зеро, соҳа ривож учун барча ҳуқуқий асос яратилди. Янги таҳрирда Солиқ кодекси жорий йил бошидан қўллашга кирди. Энг муҳими, солиқ ҳодимлари эндиликда тадбиркорга чин маънода кўмакчи бўлишни зиммаларига олишди.

Ана шундай ижобий ўзгаришлар ҳақда Урганч шаҳридаги «Дилмурод сервис» хусусий корхонаси раҳбари Дилмурод Жуманиёзов бизга қуйидагиларни гапириб берди:

– Узоқ йиллардан бери тадбиркорлик қилиб келаман. Корхонамиз мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Фаолиятим боис солиқ ҳодимлари билан юзма-юз ишлаш жараёнида кўплаб воқеалар юз берган. Буни ҳозир яширишнинг ҳолати йўқ. Бир пайлар иш бошлаган пайтимда ижарага бино олиб фаолият юритганмиз. Технология сотиб олиш учун маблағимиз етарли бўлмаган пайтлари банк кредит сўраб мурожаат қилиб, анча сарсон бўлганмиз ёдимда. Бир томондан ижара ҳақи, бир томондан солиқчилар тўловларни қисташар, қарзимиз бўлса, корхонани ёпиб ташлаш билан нўпўса қилишарди. Технология сотиб олдик деганимизда, хориждан етиб келмасиданок банк кредит мuddати келгани билан безовта қилар эди. Хуллас, ана шундай оғир шароитда тадбиркорликни йўлга қўйганимизга ҳам 20 йилдан ошибди.

Кейинги икки-уч йилда бу борадаги вазият тубдан ўзгарганини сезиб хурсанд бўляпмиз. Солиқ идораси ходимларининг бизга муносабатидаги илқлик, ҳайрихоҳликдан бошимиз осмонга етапти. Ахир солиқчи деганда тадбиркорнинг юраги «шув» эздагидан пайтлар бўлганини унутиб бўларканми?

Аҳолимизни ўрганмай-нетмай туриб, нуқул солиқни тўла, қарзингни уудала, каби буйруқлардан чарчаганмиз. Биз тадбиркорликни эзгу мақсад билан очиб, янги иш ўринлари яратиш, маҳсулот ишлаб чиқариб, бозорларимиз мўл-кўлигини таъминлаш, экспортга маҳсулот чиқариб, валюта тушумини ошириш, бир сўз билан айтганда юрт фаровонлигига ҳисса қўишини ният қилганмиз. Ана шундай

пайтда бизга мададкор бўлишининг аҳамияти қанчалар катта эканини бу савдоларни бошидан ўтказган кишиларгина билади.

Бугунги кунда амалга оширилаётган солиқ ислохотлари жараёнида туб бурилиш даври бошланди. Янги таҳрирдаги солиқ кодексидан қўзланган мақсад, биринчидан, солиқ юкини камайтириш, иккинчидан, солиққа тортишни соддалаштириш, учинчидан, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш масаласини ҳал этиш вазифаси белгиланган эди. Айна жиҳатлар Солиқ кодексидан инobatта олингани билан ушбу ҳужжат бизнес ривож учун янада аҳамиятлидир.

Жумладан, солиқ юкини камайтириш юзасидан ҚҚС бўйича ҳосил бўлган ортиқча суммани тўлиқлигича қайтариш, асосий воситалар ҳамда кўчмас мулк объектлари бўйича ҚҚС бир йўла ҳисобга олиниши белгиланмоқда. Яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган солиқ суммаси ўртача 30 фоизга камайтирилмоқда. Шунингдек, солиқ қардорлигини дебитор ҳисобидан ундиришнинг бекор қилиниши солиқ идораларининг тадбиркорлик фаолиятига асосий аралашуви ва таъйиқ ўтказилишининг олдини олади. Солиқни кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат берилгани, бу маҳаллий кенгаш ваколатига ўтгани ҳудудларда маҳаллий ҳокимият ва кенгашларнинг тадбиркорлик субъектларига амалий кўмак беришлари ва уларни янада ривожлантиришдан айнан маҳаллий бюджет манфаатдорлигини оширади.

Минг шуқрлар бўлсинки, энди замон ўзгарди. Юртимизда тадбиркорлик чин маънода ривожланиб, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳақиқий мададкорга айланишди. Энди бизнесни ривожлантириш бора-сида барча бюрократик тўсиқларга барҳам берилди. Айниқса янги таҳрирда қабул қилинган Солиқ кодекси ишбилармонликни ривожлантиришда ҳуқуқий асосга айланди. Солиқ ходимлари эса бизга дўст, биродар, ишимизни ривожлантиришда чин маънодаги маслаҳаттўйига айланишди. Ҳа, ишлайдиган замон келиди.

Меҳрибон ИСМОИЛОВА,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

МАРКАЗИЙ БАНК ОГОҲЛАНТИРДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўзининг Telegram мессенжеридagi расмий каналида «Markaziy bank aksiyasi» telegram-канали фаолияти тўғрисидаги шошилинч хабарни эълон қилди.

Регуляторнинг маълум қилишича, ушбу канал томонидан тарқатилаётган маълумотларнинг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига ҳеч қандай алоқаси йўқ ва бу шубҳали маълумотлардир.

«Расмий орган номидан қонунга хилоф фаолият юритиш амалдаги қонунчиликни кўпол тарзда бузиш ҳисобланади ва у республикамизнинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларига қўриб чиқиш учун тақдим этилади» дейилади хабарда.

Ушбу каналда тарқатилаётган маълумотларда одамларни гуруҳларга қўшганлик учун пул мукофотларини бериш таклиф этилади. Бунда номалум шахслар Марказий банк логотипидан фойдаланган ҳолда ушбу банк номидан иш юритмоқда.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎЗА мухбири.

Ёшлар форуми: Топ бизнесменлардан фойдали маслаҳатлар

Мамлакатимиз ёшларининг инновацион ғоя ва ташаббусларини, бизнес таклиф ва интилишларини қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, олий таълим ва ўрта махсус касб-хунари таълим муассасаларида таҳсил олаётган талаба ёшларни илм-фан ва амалиёт интеграциясини кен

йўлга қўйиш орқали уларнинг ташаббусларини ўрганиш кун тартибидagi муҳим вазифалардан бирига айланган. Айниқса, ёшларнинг бизнес оламидagi йирик тадбиркор ва ишбилармонлар билан учрашувлари ташкил этилмоқдаки, бу табиийки, ўғил қизларнинг ўз бизнес ғояларини ҳаётга самарали тадбиқ этишга, келгусида ўзининг тадбиркорлик фаолиятини юритишга пухта замин бўлиб хизмат қилмоқда.

«Олмалиқ КМК» АЖ ва SFI Management group раҳбарияти ва комбинат ёшлар иттифоқи ҳамкорлигида «Ёшлар форуми» ташкил этилгани ҳам ана шундай имкониятлардан биридир. Форумда мамлакатимиз-

да тадбиркорлик билан шуғулланиб келаётган кўзга кўринган тадбиркорлар иштирок этишди. Шундан сўнг, комбинат технологик жараёнининг илк нуқтаси бўлган Қалмоққир қонига ҳам таширф буюришди.

МТТУ МИСИС Олмалиқ филиалида талабаларга яратилган шароитлар билан танишган спикерлар, бундай замонавий олий ўқув юртида фақат ва фақат билим олиш кераклигини таъкидлашди. Форум меҳмонлари ўзларини нималар билан шуғулланишини, бундай муваффақиятларга эришиш учун айнан нималарга эътибор қаратиш лозимлигини ёшларга батафсил тушунтириб ўтишди.

Ўқитувчилар малака оширишди

Тошкент архитектура-аурилиш институтининг бир гуруҳ ўқитувчилари яқинда Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида малака ошириб қайтдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 сентябрда қарорига кўра, мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида «Эл-юрт умиди» жамғармаси ташкил топган эди. Айнан шу фонд томонидан ўтказилган танловда ғолиб бўлган педагоглар малака оширишди.

– ТАҚИдан борган профессор-ўқитувчилар мазкур университетнинг техник базаси ва кафедралар фаолияти билан яқиндан танишишга муваффақ бўлдик. Таълим жараёнидаги ўқитиш методикаси бўйича тажриба алмашиб, бевосита талабаларнинг ўқув машғулотларига таширф буюриб, кузатиш имкониятига эга бўлдик, – дейди Дилдора

Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича: 90-278-95-87
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича: 97-459-74-85
Самарқанд вилояти бўйича: 95-560-30-45.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сакцифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбав акциядорлик компанияси масъул.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, «Буёқ Тўрон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир: – Д. Жалолов.
Навбатчи: – Б. Гўлъямов.
ЎЗА якуни – 2155. Топширилди – 2315.